ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖСТГА АЪЗО БЎЛИШ БОСҚИЧИДА БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ ВА УНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Қурбонов Бахтиёр Нормўминович
Мустақил тадқиқотчи
https://doi.org/10.5281/zenodo.15321803

Аннотация. *Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш мақсадида божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш орқали уларнинг хизмат кўрсатиш ва юклатилган вазифаларини бажариш сифатини ошириш мақсад қилиб олинган бўлиб, ушбу мақолада прокуратура органларининг вазифалари ва божхона органларида қонунчиликни таъминланиши устидан назоратни амалга оширишнинг зарурати, бу борасида амалга оширилган ишлар таҳлили, юзага келаётган муаммоли ҳолатлар ҳамда бажарилиши лозим бўлган зарурий чора-тадбирлар, назорат ҳужжатлари ва уларнинг долзарблиги тўғрисида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *прокуратура, божхона органлари, қонунчилик, божхона назорати, прокурор назорати, халқаро рейтинг, Жаҳон савдо ташкилоти, инвестицион муҳит, халқаро бозор, интеграция жараёнлари*

Kirish (Introduction)

Янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 93-мақсади Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш ҳисобланади. Бунда, миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини Жаҳон савдо ташкилотининг қоида, меъёр ва битимларига мослаштириш, йилига камида 10 та хорижий давлат билан бозорга кириш музокараларини якунлаш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан бозорларга кириш бўйича музокараларни тизимли олиб бориш ва аъзо бўлиш жараёнини самарали якунига етказиш асосий вазифалар ҳисобланади.

Миллий қонунчиликни ЖСТ талабларига мослаштириш божхонадан бошланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий ислоҳотларнинг янги босқичга чиққани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, божхона ва прокуратура идоралари зиммасидаги вазифаларнинг янада мустаҳкамланишига олиб келмоқда. Божхона органлари давлат чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш, божхона юклари устидан назорат ўрнатиш, шунингдек, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнларда қонунлар ижросини таъминлаш, хусусан, прокуратура томонидан назоратни амалга ошириш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Божхона назорати – давлат суверенитетини ифода этувчи муҳим механизмлардан бири бўлиб, иқтисодий хавфсизлик, миллий манфаатлар ва ташқи савдо тизимида қонун устуворлигини таъминлашда марказий ўрин тутади. Божхона соҳасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш учун жуда илғор ҳуқуқий-ташкилий механизмларни жорий этиш бугуннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолада ЖСТга аъзо бўлиш жараёнларида такомиллаштирилаётган божхона қонунчилиги устидан прокурор назоратини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Тадқиқот методологияси (Methods)

Ушбу илмий тадқиқотда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тарихий таҳлил, функционал таҳлил ва норматив таҳлил усулларидан фойдаланилди. Таърифлар ва таҳлилларда хорижий тажрибадан АҚШ қонунчилиги, федерал агентликлар фаолияти, миллий қонунчиликка оид расмий манбалар ҳамда тадқиқотчиларнинг ишлари асосида олиб борилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таққослаш орқали тажриба алмашиш имкониятлари баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар (Results)

Ўзбекистон Республикаси халқаро савдо муносабатларининг тенг ҳуқуқли аъзо сифатида ҳамкор давлатлар бозорлари ва янги иқтисодий имкониятларни яратиб берувчи халқаро ташкилотлар кўмаклари асосида ташқи савдо айланмасини иқтисодий манфаатлар доирасида кенгайтириб бормоқда. Бу борада, миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш, янги халқаро шартномалар тузиш ва уларнинг талаблари асосида ҳаракатланиш имкониятини берувчи ташкилий-тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда қулай инвестицион муҳитни яратишга қаратилган амалий тадбирлар кенгайтирилмоқда.

Халқаро рейтингларга эътибор қаратадиган бўлсак:

- S&P Global Ratings[1] натижалари мамлакатда инвестиция/ЯИМ нисбати тахминан 34% эканлигини, жаҳон миқёсида ушбу натижа юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланишини кўрсатмоқда;

- Foreign Direct Investment (FDI) маълумотларига кўра, 2024 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 53.6% га ошиб, $11.9 миллиардга етди[2].

Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг ўз олдига қўйган йирик мақсадларидан бири 2026 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш мақсадида бошқа давлатлар билан ўзаро савдода енгилликларни назарда тутувчи қонунчилик ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштирилиши йўлидан кетмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил 19 сентябрь куни Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида “Яқин орада ЖСТга тўлақонли аъзо бўлиш Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йўлидаги устувор йўналишлардан биридир” деб таъкидлаб[3], бу борада изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганлигига алоҳида урғу бериб ўтганлиги ҳам амалга оширилаётган ўзгаришлар замирида эркин халқаро савдони жорий этиш ётганлигини кўрсатмоқда.

Халқаро эркин савдо қилиш ҳуқуқи ва тартиби муболағасиз божхона органлари фаолиятининг хизмат олиб бориш тартибини қандай белгиланганлиги билан боғлиқ бўлиб, ушбу органда давлатнинг тартибга солувчи қонунчилигини назорати қатъий бўлиши

[1] Интернет маълумотлари: https://disclosure.spglobal.com/ratings/en/regulatory/article/-/view/type/HTML/id/329
[2] Интернет маълумотлари: https://cbu.uz/upload/iblock/87c/34cw885z4n3q9lpkdk3pxthulwwrndgy/Matbuot-anzhumani-23.01.2025.pdf
[3] Интернет маълумотлари: https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/20/wto/

нафақат фуқароларнинг балки савдо ҳамкорлари ҳисобланган бошқа давлатларнинг ҳам доимий диққат марказида бўлади.

Шу сабабли, миллий божхона қонунчилиги доимий равишда такомиллаштириб борилаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 25.03.2025 йилда “Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш ва божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-122-сон қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун ҳужжатининг туб моҳиятида ЖСТнинг талабларига жавоб берувчи ихчам, самарадор ва инновацион божхона тизимини яратиш мақсад қилинган.

Лекин, қонунчиликни такомиллаштириш ва уни соддалаштириш бир томон бўлса, унга амал қилинишини таъминлаш бошқа муҳим бир жиҳат ҳисобланади. Жумладан, Божхона қўмитаси томонидан 2024 йилда 9 мингга яқин ҳолатда 914 миллиард сўмлик товарлар, 35 миллиард сўм эквивалентидаги валюта қимматликлари, 76 миллиард сўмлик заргарлик буюмлари, 63 миллиард сўмлик тамаки маҳсулотларининг мусодара қилинганлиги маълум қилинган[4]. Бу кўрсаткич чек қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари сонини англатади. Маълумки, аниқланган ҳолатлар сони кўп билан умумий содир этилган хатти-ҳаракатларнинг 20% қисмини ташкил этади. Ушбу корреляция орқали божхона қонунчилигини бузилишига бўлган уринишларнинг қанчалик катта ҳажмга эга эканлигини кўриш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам божхона қонунчилиги устидан прокурор назоратини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Чунки, прокурор назорати нафақат қонунчилик бузилиши ҳолатларини божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинганлиги ҳолатларига ҳуқуқий баҳо беради, балки божхона ходимларининг қонунчиликка риоя этишлари устидан ҳам назоратни таъминлайди.

Шу сабабли, тадқиқотчи Д.Исроилов томонидан прокурор назорати механизмига маълум бир соҳага оид фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш, айбдор шахсларнинг судга тортилишини таъминлаш мақсадида прокурор томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган ва фойдаланиладиган ваколатлар ва ҳуқуқий воситаларнинг таркибий жиҳатдан расмийлаштирилган тизими бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлган омиллар ва шартларни аниқлаш деб таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин [1].

Ушбу таъриф асосида божхона органлари фаолиятида прокурор назоратини таъминлашга эътибор қаратадиган бўлсак, божхона қонунчилигини бузилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни содир этишга имкон яратувчи омиллар ва шартларни аниқлаш орқали бундай ҳолатларга чек қўйиш ушбу фаолиятнинг туб моҳияти эканлигини тушуниб етиш мумкин бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сон буйруғида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан соҳасидаги

[4] https://yuz.uz/news/2024-yilda-bojxonachilar-toxtatib-qolgan-giyohvand-moddalar-1-tonnadan-oshdi

қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий қонунчилик бевосита божхона органлари билан боғлиқ.

Прокурор назорати тизими доимий такомиллашиб борадиган жараён бўлиб, қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар ва имплементация қилинаётган хорижий тажриба бунинг сабабчиси ҳисобланади.

Эътиборлиси шундаки, айрим ривожланган давлатлар тажрибасида прокурор назорати тушунчаси учрамайди ва бундай механизмнинг ўзи мавжуд эмас. Лекин, постсовет макони давлатлари ва Шарқий Европа давлатларида ушбу тизим ҳуқуқий жараёнларнинг ажралмас бўлагидир.

Хусусан, Америка Қўшма Штатларида прокурор назорати вазифасини Юридик тузилма (ҳуқуқий маслаҳат) бажариши йўлга қўйилган. Лекин, ушбу тузилмалар ҳам аниқланган жиддий қонун бузилишлари ҳолатлари бўйича прокурорга хабар бериш ваколатига эга. Яъни бунда ушбу тузилманинг ваколат доираси чекланганлиги бўйича хулоса қилиш мумкин. Чунки, улар ташкилотларда қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширадилар. Бу каби механизм миллий қонунчиликда ҳам қисман мавжуд. Жумладан, Божхона қўмитасида ҳам Юридик бошқарма фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, лекин унинг ваколатига қонунчиликка ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш кирмайди. Бошқарма асосан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини қонунчиликка зид эмаслигини таъминлаш билан шуғулланади. Бу эса ўз ўрнида божхона органлари томонидан қонунчиликка ижро этилиши устидан назоратни прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши заруратини юзага келтиради.

Хулоса (Conclusion)

Прокурор назоратини амалга ошириш орқали божхона органларида қонунчиликни барча учун бир хилда қўлланилишига эришиш билан бир қаторда фуқароларнинг давлат идораларига нисбатан ишончини оширишга эришиш мумкин бўлади. Қонунларнинг барча учун бир хилда қўлланилишини таъминлашга эришиш Янги Ўзбекистоннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланишини эътиборга олинса, бу борадаги ҳар бир қадам мамлакат келажаги учун муҳим эканлигини тушуниш мумкин бўлади.

Шунга кўра, қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга алоҳида модда сифатида божхона соҳасидаги назорат ваколатларини киритиш;

- божхона органлари томонидан қабул қилинадиган маъмурий қарорлар устидан прокурор назоратининг тартибини аниқ белгилаш;

- божхона ва прокуратура органлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви тизимини жорий қилиш, бу орқали назорат самарадорлигини ошириш;

- божхонада асоссиз ушлаб қолиш, мусодара, ёки жарима солиш ҳолатларини прокурор томонидан шошилинч кўриб чиқиш тартибини жорий этиш;

- божхона соҳасидаги энг кўп учрайдиган қонунбузарликлар бўйича прокурорлар учун ихтисослаштирилган малака ошириш курсларини жорий этиш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Д.Ш.Исраилов. Тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларни ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш. Ю.ф.ф.д. Автореферат. -Б 50.
2. Д.Ш.Исраилов. Прокурор назоратининг мақоми ва унинг ўзига хос хусусиятлари: хорижий давлатлар мисолида. “ODILLIK MEZONI” журнали. Тошкент 2024. № 3-сон. – Б. 8-9.
3. Субанова Н.В. Теоретические и прикладные основы прокурорского надзора за исполнением законов о разрешительной системе: диссертация ... доктора юридических наук: 12.00.11 / - Москва, 2013.- 462 с.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 257-II-сон 29.08.2001 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.
5. К. Мардонов. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг устувор йўналишлари // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Special Issue – 01 (2023) / ISSN 2181-1415. -Б 15-21.
6. Bakhodirov J. B. Issues of improving the activities of the prosecutor's office in the Republic of Uzbekistan //International Scientific and Current Research Conferences. – 2021. – С. 58-66.